

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
Ўзгидромет Бош директори,  
Хайъат раиси



**Ш.Х. Ҳабибуллаев**

2021 йил “\_\_\_” июль

**Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказининг  
кенгайтирилган хайъат йиғилишининг  
9-сон БАЁНИ**

**2021 йил 15 июль**

**Тошкент ш.**

**Раислик қилувчи:**

Ш.Х.Ҳабибуллаев

Ўзгидромет Бош директори, хайъат раиси

**Қатнашдилар:**

И.Каримов, Ф.Сафаров,  
М.Фарзидинов, З.Алиева

Ўзгидромет вақтинчалик хайъати аъзолари

**Таклиф қилинганлар:**

Ғ.Аюбов

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамасининг бош мутахассиси

Ўзгидромет марказий аппарат бошқарма ва бўлим бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар гидрометеорология бошқарма бошлиқлари, Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти ҳамда “Метеоинфосистем” АТБ раҳбарлари.

**КУН ТАРТИБИ:**

**I. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ–6155-сон Фармонида белгиланган топшириқлар ижросини ташкил этиш тўғрисида (Ш.Ҳабибуллаев)**

**II. Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази “Ўзгидромет”нинг 2021 йил иккинчи ярим йиллик иш режасини тасдиқлаш тўғрисида (Ш.Ҳабибуллаев)**

**III. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4896-сон қарори билан белгиланган чора-тадбирлар ижроси ҳолати тўғрисида (М.Фарзидинов)**

**IV. Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази ва унинг тизимидаги ташкилотларда 2021 йил II чорак якунлари бўйича, жумладан:**

**Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ҳужжатлари ижроси бўйича ижро интизоми ҳолати мониторинги натижалари;**

**жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ҳолати ва натижалари бўйича маълумотлари тўғрисида (М.Фарзидинов).**

Кун тартибидаги масалалар бўйича берилган маълумотлар ва билдирилган фикр мулоҳазалар муҳокамаси асосида Ҳайъат қарор қилади:

**1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ–6155-сон Фармонида белгиланган топшириқлар ижросини ташкил этиш тўғрисида:**

*(Ш.Ҳабибуллаев, И.Каримов, С.Абдуллаева, Н.Агальцева)*

1.1. Иқлим ўзгариши мониторинги бошқармаси (Абдуллаева, Агальцева), Фармон билан тасдиқланган “Йўл хартаси”ни 253-банд бўйича, “Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача бўлган иқлим ўзгариши оқибатларига қарши курашиш Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиб, Адлия вазирлигининг тегишли ҳуқуқий экспертиза хулосасини олган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига **2021 йил 1 августга қадар киритилишини таъминласин.**

**II. Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази “Ўзгидромет”нинг 2021 йил II ярим йиллик иш режасини тасдиқлаш тўғрисида.**

*(Ш.Ҳабибуллаев, И.Каримов, Ф.Сафаров ва ҳайъат аъзолари)*

2. Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази “Ўзгидромет”нинг 2021 йил II ярим йиллик иш режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда II ярим йиллик иш режасида назарда тутилган тадбирлар ижросини белгиланган муддатларда бажарилиши бўйича шахсий масъулят марказий аппарат бошқарма, хизмат ва бўлим, ҳудудий гидрометеорология бошқарма бошлиқлари ҳамда тизим ташкилотлари раҳбарлари зиммасига юклатилиши қатъий белгилаб қўйилсин.

Иш режасида назарда тутилган тадбирлар ижросини мониторингини юритиш ва умумлаштирилган ҳолда ахборот киритиш бўйича назорат Мурожаатлар билан ишлаш ва ижро интизоми бўлими бош мутахассиси М. Фарзидиновга юклатилсин.

Мурожаатлар билан ишлаш ва ижро интизоми бўлими бош мутахассиси М. Фарзидинов II ярим йиллик иш режасида назарда тутилган тадбирлар ижроси ҳолати бўйича ҳар хавфта:

душанба кунлари Бош директор ҳузурида;

жума кунлари Бош директор ўринбосари ҳузурида ахборот бериб бориш таъминлансин.

**III. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4896-сон қарори билан белгиланган чора-тадбирлар ижроси ҳолати бўйича:**

*(Ш.Ҳабибуллаев, И.Каримов, Ф.Сафаров, Ф.Агзамов, Ф.Болтабоев, Е.Даулетов,)*

3. Мурожаатлар билан ишлаш ва ижро интизоми (Фарзиддинов), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 ноябрдаги ПҚ–4896-сон қарори билан белгиланган муддатлари яқин қолган вазифалар бўйича назоратни кучайтириш мақсадида тизимли мониторингини олиб борсин ҳамда натижаси бўйича ҳар ҳафта ахборот киритиб борсин.

**IV. Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази ва унинг тизимидаги ташкилотларда 2021 йил II чорак якунлари бўйича:**

**Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ҳужжатлари ижроси бўйича ижро интизоми ҳолати мониторинги натижалари**

*(М.Фарзиддинов, Д.Исҳоқова, Н.Азимова)*

4. Таҳлилларга кўра 2021 йилнинг 1-ярим йиллиги давомида 1,2,3-сон картотекада **66 та** топшириқ назоратга олинган бўлиб, шундан **51 таси** (77,3%) ўз вақтида бажарилган, **14 таси** (21,2%) муддатидан кечиктириб бажарилган, бажарилмаган топшириқлар мавжуд эмас.

Юқорида келтирилган топшириқлар ижроси назоратни сушлаштирганлик учун Мурожаатлар билан ишлаш ва ижро интизоми бўлими бош мутахассиси М. Фарзиддиновга нисбатан “ҳайфсан” эълон қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Шунингдек “Ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими – [app.ijro.uz](http://app.ijro.uz)” платформаси мониторинги бўйича Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказига жами **15 та** Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари келиб тушган, жумладан:

**2 та** Ўзбекистон Республикаси Қонуни;

**2 та** Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони;

**2 та** Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари;

**9 та** Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари келиб тушган ва ҳужжатлар ўрнатилган тартибда, муддатларда рўйхатга олиниб, Бош директорнинг тегишли кўрсатмаларига мувофиқ ижро учун қабул қилинган.

Барча келиб тушган **15 та** ҳужжатлар бўйича **15 та** бевосита қарорлар – Бош директорнинг **14 та** буйруқлари қабул қилинган ва ҳайъат йиғилишлари ўтказилган ва уларни бажарилиши бўйича назорат режалари, чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ушбу ҳужжатлар ўз муддатида бажарилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

5. Мурожаатлар билан ишлаш ва ижро интизоми бўлими (Фарзиддинов) келгусида тизимдаги ҳужжатларни ўз вақтида бажарилиши устидан назоратни кучайтирсин ва муддатлари яқин қолган вазифалар бўйича тизимли мониторинг юритсин ҳамда натижадорлиги бўйича ҳар ҳафта раҳбарятга ахборот киритиб борсин.

**жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш  
ҳолати ва натижалари тўғрисидаги маълумотлари тўғрисида.**

---

*(М.Фарзидинов, Н.Азимова)*

6. Жорий йилнинг II чораги давомида Ўзгидрометга жисмоний ва юридик шахслардан жами **16 та** мурожаат бевосита таалукчилиги бўйича келиб тушган ва шулардан **11 таси** ёзма шаклда ҳамда **5 таси** электрон шаклда қабул қилинганлиги.

Ўзбекистон Республикаси Президент халқ қабул хонаси орқали **1 та**, Ўзбекистон Республикаси [rt.gov.uz](http://rt.gov.uz) орқали **4 та** ва бевосита таалукчилиги бўйича **11 та** мурожаатлар Ўзгидрометга келиб тушгани.

Мурожаатлар турлари бўйича **12 та** ариза, **1 та** таклиф ва **3 та** шикоят эканлиги аниқланди. 2021 йил II чорак давомида Ўзгидрометга жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган **4 та** мурожаат қаноатлантирилиб, **12 таси** мурожаатлар бўйича тушунтиришлар берилган.

Бундан ташқари 2021 йил II чорак мобайнида юридик шахсларнинг вакиллари ва жисмоний шахсларнинг шахсий қабули бўйича Ўзгидромет Бош директор томонидан **3 нафар** ҳамда Бош директор ўринбосарлари томонидан **9 нафар** фуқоро қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни талабларига мос равишда бажарилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

**Котиб МБИваИИБ 1-тоифали муҳандис**

**Д. Исхакова**